# PROBLEMS AND SOLUTIONS IN SYNDICATED FINANCING OF INVESTMENT PROJECTS IN COMMERCIAL BANKS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Usmanov U.**
Listener of the Banking Finance Academy
The deputy head of the Payarik branch of the Samarkand regional department of the joint-stock commercial bank "Agrobank" is working as the head of the front office.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ СИНДИКАТИВ МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ МУОММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

**Усмонов У.**
Банк Молия Академияси тингловчиси
«Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд илоят бошқармаси Пайариқ филиали бошқарувчиси ўринбосари-Фронт офис бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Изланувчиси Усмонов Умар Низамиддинович Ўзбекистон республикасида синдициялаштирилган кредитларни ривожлантиришдаги муаммолар ва ечимлар бугунги кунда, синдициялаштирилган кредитлар халқаро банк амалиётида кенг тарқалган бўлиб, улар аксарият ривожланган давлатлар иқтисодиётига узоқ муддатли молиявий маблағлар жалб қилишнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Ушбу давлатларда мазкур кредитларни ривожлантириш, улар бўйича қонунчилик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда синдициялаштирилган кредитлар реестрини юритиш мақсадида: АҚШда Америка синдициялаштирилган кредитлар ассоциацияси (Loan Syndications and Trading Association, LSTA), Буюк Британияда Кредит бозори ассоциацияси (Loan Market Association, LMA), Гонконгда Осиё-Тинч океани минтақаси ассоциацияси (Asia Pacific Loan Market Association, APLMA), Японияда Япония синдициялаштирилган кредитлар ассоциацияси (Japan Syndication and Loan-trading Association) ташкил этилган.

Ушбу ассоциацияларнинг асосий вазифаси минтақада ажратилаётган синдициялаштирилган кредитларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларини ривожлантириш, уларда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда молиялаштириш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларини, стандартлар, маслаҳат (консультация) ҳужжатларини ва бозор тавсияларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Thomson Reuters ахборот агентлигининг маълумотларига асосан 2019 йил давомида жаҳон молия бозорида жами 9 988 шартнома бўйича ажратилган синдициялаштирилган кредитлар умумий миқдори 5 034,691 млрд. АҚШ долл.ни ташкил қилган ва бу 2018 йилга нисбатан 8 фоизга ошган. Бу кўрсаткичларни давлатлар миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак, топ-15 таликка кирувчи давлатлар томонидан ажратилган жами синдициялаштирилган кредитлар жаҳон молия бозорида ажратилган кредитларнинг 91 фоизини (4 567,962)ташкил қилади.

Халқаро молия бозорида 2019 йилда йирик миқдорда синдициялаштирилган кредитлар жалб қилган топ-15 таликдавлатлар рўйхати (ҳисобот даври 1 январь – 31 декабрь)
№ Давлатлар
2019 йил (млрд. АҚШ долл.)
2018 йил (млрд. АҚШ долл.)

Имзоланган шартномалар сони 1. Америка Қўшма Штатлари 2 912,476 2 689,504 4 362 2. Канада 267,388 240,789 582 3. Япония 232,578 238,824 1 936 4. Буюк Британия 178,674 180,635 226 5. Франция 163,229 121,883 277 6. Германия 128,309 125,888 179 7. Хитой 111,261 102,582 317 8. Гонконг 110,603 118,012 217 9. Австралия 95,534 83,760 203 10. Испания 84,021 73,537 228 11. Италия 73,674 67,132 131 12. Нидерландия 71,069 52,172 77 13. Сингапур 51,663 41,475 91 14. Швецария 44,751 46,000 35 15.

Ҳиндистон 42,732 56,034 181 Топ-15 талик бўйича 4 567,962 4 238,227 9 042 Халқаро бўйича жами суммаси 5 034,691 4 656,600 9 988 Манба: Thomson Reuters маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Биргина, АҚШда 2018 йилда расмийлаштирилган синдициялаштирилган кредит шартномалари халқаро молия бозорида расмийлаштирилган жами синдициялаштирилган кредит шартномаларининг44 фоизини (4 362 та), ажратилган кредитлар суммасини 58 фоизини (2 912,476 млрд. АҚШ долл.), Европа минтақасида эса ажратилган кредитлар халқаро молия бозорида ажратилган жами синдициялаштирилган кредитларнинг 18,2 фоизини (914,772 млрд. АҚШ долл.) ташкил қилади. 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, бу давлатларнинг деярли барчаси ривожланган давлатлар ҳисобланиб, улар ўз иқтисодиётига синдициялаштирилган кредитлар орқали йирик миқдордаги маблағлар (капитал) жалб қилиш билан бирга бошқа давлатларнинг йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этувчи асосий кредитор давлатлар ҳисобланади.

Республикамизда синдициялаштирилган кредитларни ажратиш жараёни Адлия вазирлигида 2005 йил 20 августда 1509-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан йирик инвестициялойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашниамалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади ва у тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартибини белгилайди. Халқаро амалиётдан келиб чиқиб мазкур ҳужжат нормаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги номувофиқликлар мавжудлигини келтириш мумкин: 1. “Тижорат банклари томонидан йирик инвестициялойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашниамалга ошириш тартиби тўғрисида” Низом(рўйхат рақами 1509, 2005 йил 20 август) фақат тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш амалиётини тартибга солади.Халқаро бозорда эса синдициялаштирилган кредит лойиҳаларини молиялаштирувчи кредиторлар сифатида банклар ва бошқа нобанк кредит ташкилотлари, инвестиция ташкилотлари, молия институтлари ва корпорациялар иштирок этишлари мумкин; 2. Низом (рўйхат рақами 1509, 2005 йил 20 август)да иштирокчи банклар томонидан кредит олувчи билан синдициялаштирилган кредит бериш тўғрисида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, ҳар бир иштирокчи банк томониданкредит олувчи номига кредитнинг миқдори, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисобварағини очиш белгиланган. Бу нормалар синдикат кредитори сифатида хорижий банкларнинг иштирок этиши жараёнида ушбу банкларда резидент - юридик шахслар ҳисобварақ очиш билан боғлиқ масалаларни ечишда тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Хорижий тажрибага мувофиқ, етакчи банк (агент банк) иштирокчи банклардан синдициялаштирилган кредит суммаларини қабул қилиб олади ва уларни кредит олувчига беради, шунингдек, кредит олувчидан олинган (кредит бўйича фоизлар ва кредитнинг асосий суммасини қайтариш билан боғлиқ) пул маблағларини синдикат иштирокчилари бўлган кредиторлар ўртасида тақсимлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сонли қарори билан тасдиқланган “Юридик шахслар - резидентлар томонидан чет элда ҳисоб рақамлари очишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси мавжуд бўлган тақдирда юридик шахслар – резидентларга чет элда ҳисобварақлар очишга рухсат берилиши белгиланган. 3. Бундан ташқари, Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ банк активларида асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан қисман воз кечилиши шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб ҳисобланади. Бундай активларнинг сифати “шубҳали” деб таснифланиб уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг эллик фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозимлиги белгиланган. Халқаро молия бозорида синдициялаштирилган кредитларнинг бирламчи ва иккиламчи бозори шакллантирилган. Бирламчи бозорда синдикатнинг асосий кредит

базаси шакллантирилади, инвесторлар рўйхати ва кредитлаш шартлари аниқлаштирилади. Иккиламчи бозорда эса кредитларнинг бир қисми кичик кредиторларга сотиш орқали ундан қисман воз кечилади.

Ривожланган давлатларда синдициялаштирилган кредитларни иккиламчи бозорда учинчи шахсларга сотиш имкониятларининг мавжудлиги кредиторлар учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу бозорнинг зарурлиги кредиторлар учун қуйидагилар билан изоҳланади: а) маблағлар етишмаслик ҳолатлари юзага келганда; б) банк фаолиятини тартибга солувчи ва мажбурий резерв талаблари бузилганда кредитнинг бир қисмини сотиш учун; в) кредиторлар фаолиятига янада самарали активларни жалб қилиш. Шу билан бирга,Америка синдициялаштирилган кредитлар ассоциацияси (Loan Syndications and Trading Association, LSTA), Кредитлар бозори ассоциацияси (Loan Market Association, LMA), Осиё-Тинч океани минтақаси ассоциацияси (Asia Pacific Loan Market Association, APLMA) ҳамда Япония синдициялаштирилган кредитлар ассоциацияларининг(Japan Syndication and Loan-trading Association) асосий ва муҳим вазифаларидан бири синдициялаштирилган кредитларнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш, унда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш ҳисобланади. Хулоса қилиб шуни такидлаш керакки, республикамизда синдициялаштирилган кредитларни ривожлантиришнинг дастлабки босқичида ушбу соҳага тегишли қонунчилик базасини такомиллаштириш, ундаги мавжуд қарама-қаршиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур соҳадаги қонунчилик базасини халқаро тажрибадан келиб чиқиб қайта ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштирилиши республикамизга хориждан капитал жалб қилиш имкониятларини оширади ҳамда синдициялаштирилган кредитларнинг иккиламчи бозорининг ривожланиши учун замин яратилади. Бу эса республика иқтисодиётини ривожлантиришда зарур бўлган молиявий ресурслар жалб қилиниши таъминланишига хизмат қилади.

**Фойдаланган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // uza.uz. 16.01.2017
2. Проектное финансирование: синергетический аспект: Учебное пособие / Г.А.Поташева. - М.: НИТс ИНФРА-М, 2015. - С.- 171 с.
3. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик -Т.: Иқтисод-молия, 2014.-84-б.
4. “Тижорат банклари томонидан йирик инвестициялойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашниамалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом 2005 йил 20 августда 1509-сон.

**Интернет сайтлари:**

1. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти;
2. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти
3. www.gov.uz - Интерактив давлат хизматлари ягона портали;